

ТАРИХНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕЛЛЕКТ-ХАРИТА МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ

Қодирова Л., Бобобекова Н., ГулДУ ўқитувчилари

Бугунги кунда инсоннинг доимий равишда ўзгариб турувчи ахборот маконидаги ҳаётга мослашуви улкан аҳамият касб этиб бормокда. Бу ўринда барча поғоналарда таълим олувчиларнинг ахборот лаёқатлилиги даражасини кўтаришни мақсад қилиб қўйиши керак.

Ахборотни қабул қилиш жараёни инсоннинг амалий эҳтиёжларига мослаштириш назариясини америкалик олим Тони Бьюзен ишлаб чиққан. Унинг прагматик ёндашуви остида мнемоника – эслаб қолиш техникаси ётади. Унинг фикрича, таълим жараёнида мия қуйидаги ахборотларни яхшироқ ўзлаштиради: ўқув жараёнининг бошида ва охирида қабул қилинган; илгари орттирилган билимлар билан тўғридан – тўғри ассоциатив алоқада бўлган; ўз мазмунини ёки шаклида кўра бетақдор бўлган; бир ёки бир неча (бештадан) ҳис этиш аъзоларининг воситасида ўткирлашган идрокни чақирувчи; таълим олувчига алоҳида қизиқарли бўлган.

Анъанавий таълимда ахборотни қайта акс эттириш (репрезентация)нинг энг кенг тарқалган усуллари оддий баён этиш ва ёзма баён этишдан иборат. Бу анъанавий баён этиш ва уни қайд этиш усулларида бирортаси миёда содир бўлаётган ҳаққоний жараёнга мос келмайди. Хусусан, ҳар қандай конспектлаштиришда айрим таянч сўзлар эътибордан четда қолади, эслаб қолиш қийинлашади, муҳим бўлмаган фактларни қайд этиш учун беҳуда вақт сарфланади, тасаввурнинг ижодий имкониятларини фаоллаштириш таъминланмайди.

Тони Бьюзен томонидан таклиф этилган ахборотни қайта акс эттиришнинг муқобил усули миянинг табиий фаолияти шаклига имкон қадар яқинлаштирилган. Бу усулнинг ўзига хос жиҳатлари: кўрсатмалилик, баён этилаётган ахборотнинг образлилиги, рангдан фаол фойдаланиш, ахборотни график шаклда тақдим этиш, кўп ўлчамли объектлардан фойдаланиш, фойдаланилаётган қоғоз сиртидан имкон қадар максимал тарзда фойдаланиш ва ҳоказолар. Бу тариқа тузилган конспект ўрганилаётган объект ҳақидаги ахборотни тўлалигича гавдалантиради. Тони Бьюзен бу конспектга “Mind Map” деб ном берган, бу интеллект – харита сўзига мос келади.

Интеллект–харита ахборотни қайд этишнинг анъанавий конспект ва ёки қисқача ёзувлар кўринишидаги шаклига қараганда қуйидаги афзалликларга эга: асосий ғояни аниқлаш осон кечади, чунки у харита чизилган қоғознинг марказида, ёрқин график образ кўринишида акс этирилади; диққат тасодикий ахборотда эмас, муҳим масалаларда жамланади; ҳар бир ғоянинг нисбатан муҳимлиги аниқ кўриниб туради, муҳимроқ ғоялар марказга яқин жойда жойлашади, у қадар муҳим бўлмаганлари эса – чеккароқда; турли рангларда ва кўп ўлчамли тасвирланган ахборот тезроқ ва самаралироқ эслаб қолинади ва қайта акс этирилади; хаританинг структурали характери уни янги ахборотлар билан қийинчиликсиз тўлдириш имконини беради; харита чегараларининг йўқлиги тасаввурга эрк беради.

Ахборотни тақдим этишнинг санаб ўтилган бу усуллари илгари ҳеч қерда ишлатилмаган. Интеллект – харита тузишнинг бошқа қоидалари (график объектлардан, ранглардан, ҳажмли тасвирдан, турли шрифтлардан, рақамли тартибдан, стрелкалар ва аббревиатуралардан фойдаланиш)дан таълим олувчилар у ёки бу тарзда анъанавий конспектларда фойдаланиладилар. Бироқ, конспект қанчалик ёрқин ва рангли қилиб безатилган бўлмасин, интеллект–харита сингари ахборотни ўзида бу қадар тўлиқ мужассамлаштирмайди. Шунинг учун ҳам бу усулни тарихни ўқитишда қўллаш яхши самара беради.

Адабиётлар:

1. Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: Шарқ. 2004.

2. Бершадская Е.А. Применение метода интеллект–карт для формирования познавательной деятельности учащихся. // Педагогические технологии. - М.: № 3. 2009.